



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 43 (12.104)

Баҳоси эркин нарҳда



Ўлкамизда баҳор нафаси

Бу йилги қиш ҳар қанча забтига олмасин, юртимизга фасли навбахор ҳам эшик қоқиб, кириб келди. Ҳамма нарса – эзгуликка, деганларидек, қишнинг серёғин бўлгани ёзда сувнинг кўпайишини таъминлайди. Албатта, баҳор – уйғониш, яратиш ва яшнатил фасли. Табиатнинг уйғониши билан инсон ҳам ҳаракатга тушади. Дала-боғларда иш қизигандан қизийди, шаҳар ва қишлоқларимизда, ҳовли-жойларда ободонлаштириш юмушлари авж олади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



XXI саҳоси
Барча жазбалардан олинган сўнги кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маънавий ҳаётни юксалтириш, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтириш, миллий урф-одатларимизни зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш борасидаги устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.
- Тошкент давлат иқтисодиёт университетида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизими барқарорлигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тижорат банклари раҳбарлари, олий таълим муассасалари тадқиқотчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.
- Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси ҳамкорлигида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, вилоят молия, иқтисодиёт, адлия, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри, солиқ, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар бошқармалари раҳбарлари, шунингдек, ижара марказлари давлат унитар корхонаси, Савдо-саноат палатаси, банк тизими вакиллари, суд ва прокуратура органлари мутасаддилари, тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этди.

Шаҳримиз янада гўзал ва озода бўлсин

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Юртбошимизнинг «Ободлик кўнгилдан бошланади», деган сўзларида улкан маъно мужассам. Барчамиз ушбу фарахбахш кўнларда эзгулик ва яхшиликни кўнгилларимизга жо этиб, юртимиз, шаҳримиз, маҳалла-кўй, кўча-миз ва хонадонимизнинг саранжому саришта, ободу ора-ста бўлиши учун енг шимариб киришмоғимиз, мамлакатимизда янада фаровон турмуш барпо этишга бор куч ва ғайратимизни бахшида айлашимиз лозим.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

Шаҳар ҳокимлигининг фармойиши билан 23 февралдан 20 мартга қадар пойтахтимизда Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги эълон қилинди. Таъкидлаш керакки, бу тадбирдан хайрли мақсадлар кўзда тутилган.

Баҳорнинг ҳар куни тугул, ҳар бир дақиқаси – ганимат. Олимларнинг ҳулласига кўра, ҳарорат мусбат кўрсаткичга чиққани, яъни 0 даражадан юқори кўтарилиши билан бемалол кўчат экишни бошлаб юбориш мумкин. Бизда ҳут оғи бошланиши билан, яъни айнан 23 февралдан ҳарорат мусбат даража кўтарилади.

Наврўзи олам байрамига муносиб пешвоз чиқиш учун ободонлаштириш ва тозалик ойлигида каналлар, ариқ-зовурлар тозаланadi, зиёратгоҳ ва қабристонлар кўркам ҳолга келтирилади, кўп қаватли уйлар ва маҳаллалар худудлари, майдонлар, истироҳат боғлари, ташкилот ва идораларнинг атроф худудлари ораста қилинади. Турар жой мавзелари ва маҳаллаларда гул ва мевали дарахтлар кўчатлари экиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш ҳам

амалга ошириладиган асосий вазифалар сирасига қиради.

Ҳашар — элга ярашар

Халқимизнинг «Ҳашар элга ярашар» деган бе-назир нақли бор. Ҳар фаслнинг ўз ўрни бор. Баҳор фасли ёз ва куз фаслнинг тағзамини ҳисобланади. Баҳорда қандай тайёргарлик кўрсак йил давомида унинг неъматларидан баҳра олиб яшаймиз. Маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар худудларини, кўчалар, йўлаклар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғларини, ариқлар, бекатлар, борзорлар ҳамда ўзимиз яшайдиган, ишлайдиган масканларни обод қилишда ҳамжихатликда ҳашарларда иштирок этиш барчамизнинг бурчимиз ва хайрли ишимиздир.

(Давоми 2-бетда)

Сингапурда чоп этиладиган «Today» газетасида ана шундай сарлавҳали мақола чоп этилди. Ранг-баранг суратлар билан безатилган ушбу мақола мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти мавзусига бағишланган.

«ЎЗБЕКИСТОН — МЎЪЖИЗАВИЙ ВА АЖИБ МАМЛАКАТ»

«Мега-инфо-тур» дастури доирасида юртимиз бўйлаб ижодий сафарда иштирок этган мақола муаллифи Хуанг Кинкин Ўзбекистоннинг бетакрор гўзаллиги, гўзал табиати, бой маданият-тарихий ва диний меросини ҳамда ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлигини атрофича қаламга олган.

Сафар таассуротларини нашр ўқувчилари билан ўртоқлашар экан, Х.Кинкин Тошкентнинг маҳобати унда унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

«Тошкентни кўриб, мен бу азим шаҳарни севиб қолдим. Кишини оҳанрабодек ўзига тортди-ган бу мегаполисда замонавий ва тарихий меъморчилик уйғунлашиб кетганини ва улар бир-бирига жуда ҳамоҳанг эканлигини ҳис қиласан киши. Бу шаҳар халифа Усмон Қурьони сақланаётган Хас-ти Имом мажмуаси сингари тари-

хий ва мафтункор меъморий ансамбллари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Оқшом чўккан Тошкент бўйлаб сайр чоғида Мустақиллик майдонининг гўзаллиги, маҳобатли фаворалари ва парвозга шайланиб турган гўзал кушлар акс этган рамазий дарвозалари мени ўзига мафтун қилди», деб ёзади муаллиф.

«Ниҳоятда гўзал ва ҳушманзара Чимён тоғ ёнбағри Тошкентдан бир соатлик йўл чамаси нарида жойлашган. Бу ерда тоғ-чанги йўлларига эга бўлган дам олиш масканларининг тармоғи мавжуд», дея ўз фикрини давом эттиради у.

Сўнгра сингапурлик журналист қадим Бухорога уюштирган сафари ҳақида хикоя қилади. Х.Кинкиннинг фикрича, «эски шаҳарнинг юраги Лаби Ҳовуз, Арк, кўча Минораи Калон каби кўп асрлик меъморий ансамбллар билан ўралган. Ушбу иншоотларнинг гўзал-

лиги инсонни беихтиёр ўзига мафтун қилгани ҳолда, келажакда ҳам уларни кўриш ва завқ олиш учун узлуқсиз равишда суратга олишга ундайди кишини».

Муаллиф кўча Бухорода Буюк Ипак йўли пайдо бўлишидан ҳам олдинги узоқ даврлардан бўвн давом этиб келаётган халқ амалий санъати тарихига эътибор қаратар экан, бу шаҳарда маҳаллий ҳунармандларнинг жуда кўплаб дўконлари мавжудлигини ҳамда улар ҳеч қандай эътиборсиз қолдирмайдиган турли-туман зардўзлик санъати, кулчилик, ёғоч ўймакорлиги буюмларини кўз ўнгинизда ясаб беришларини қайд этади.

Хуанг Кинкин кўча ва ҳамisha навқирон Самарқанд ҳақида хикоя қилар экан, кўйидаги фикр-мулоҳазаларни газетхонлар эътиборига ҳавола этади: «ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон мероси объекти сифатида эътироф этилган Регистон майдонини томоша қилар экансиз, бу ерда кўрганларнингиздан ҳайратга тушмаслигининг иложини йўқ. Маҳобатли Регистон ўзига хос ганжинадир. Самарқандда кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар жойлашган, фақат киши ўз кўзи билан кўрсатини уларнинг гўзаллиги ва бетакрорлигини тўла ҳис этиши мумкин. Сиз Бибиҳоним масжиди, Шохизинда мажмуаси, Улугбек расадхонаси, Амир Темури макбараси сингари маҳобатли ва мўъжизавий обидалардан оламан завқ олиб, бу шаҳардан ҳам унутилмас таассуротлар билан қайтасиз. Ўзбекистон — мўъжизавий ва ажиб мамлакатдир».

«Жаҳон» АА

«Жаҳон чемпиони — 2014»

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ — ЭНГ КУЧЛИ ГУРУҲ ҲОЛИБИ!

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Япония терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва Осиё саралаш мусобақаси учинчи босқичини «С» гуруҳининг пешқадами сифатида яқунлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани самарасида терма жамоаларимизнинг халқаро майдонлардаги галабалари сони ва салмоғи ортмоқда. 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган энг нуфузли футбол мусобақаси — жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичига Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳ ҳолиби сифатида йўл олгани бунинг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари саралаш мусобақаси учинчи босқичдаги сўнги учрашувини асосий рақиб — Осиёнинг амалдаги чемпиони Япония миллий терма жамоаси майдонига ўтказди. Ҳар икки жамоа мuddатдан олдин саралаш мусобақасининг ҳал қилувчи — тўртинчи раундига йўлланма олган бўлса-да, бу учрашув гуруҳ ҳолибини аниқлаб бериши лозим эди.

Сервер Жепаров, Одил Ахмедов, Максим Шацких, Александр

Гейнрих каби асосий таркиб ўйинчиларисиз ўйнаганига қарамай, Вадим Абрамов шогирдлари кучли ва тажрибали рақиб билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Юксак техника, профессионал маҳорат ва мустаҳкам ирода намоийш этган ҳамюртларимиз муҳим учрашувда 1:0 ҳисобида зафар қучди. Терма жамоамизга галаба келтирган ягона голни 53-дақиқада истеъдодли ёш ҳужумчи Александр Шадрин киритди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Тожикистон миллий терма жамоаси ўз майдонига КХДР футболчилари билан 1:1 ҳисобида дурранг ўйнаб, дастлабки оҳқосини қўлга киритди.

Энди ҳал қилувчи сўнги саралаш босқичида қитъамизнинг энг кучли 10 терма жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ФИФА томонидан Осиё давлатлари учун 2014 йилги жаҳон чемпионатида ажратилган 4,5 йўлланма учун ўзаро рақобатлашади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

ЖАҲОНДА

Ахборот-коммуникация технологиялари ишлаб чиқарувчи «Apple» корпорацияси акцияларининг умумий баҳоси 500 миллиард АҚШ долларига етди, дейилади «The Financial Times» нашри хабарида. Шу орқали у дунёдаги энг қиммат компаниялар рўйхатида биринчи ўринга кўтарилиб олди. Экспертларнинг фикрича, яқин кунлар ичида «Apple» акциялари нархи, ҳатто, 504 миллиард АҚШ долларига етади. Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, қимматли қоғозлар бозори тарихида 500 миллиардлик довондан ошши ҳозиргача бешта («Microsoft», «Intel», «Cisco», «ExxonMobil» ва «General Electric») компаниясига насиб этган.

Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ва Халқаро валюта жамғармаси вакилларида иборат инспекторлар гуруҳи Лиссабонга амалга оширган ташрифи якунида Португалия иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлида сезиларли силжишга эришган, деган хулосага келди. Бу ҳолат мазкур давлатнинг халқаро ташкилотлардан навбатдаги молиявий ёрдам олиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. «Инспекторлар миссияси кредиторлар билан эришилган келишувларда назарда тутилган вазифалар тўлиқ бажарилганига амин бўлди, — дейди Португалия молия вазирини. — Бизнинг позициямиз ва шартларимиз ҳам аввалгидек қолади. Яъни сўраганимиздан ортиқча маблағ талаб қилмаймиз». Демак, Лиссабон 14,5 миллиард евро миқдорига қарз олишга яқин турибди.

Испания полицияси бортида 3 тонна гиёҳванд модда олиб кетаётган балиқчилар кемасини тўхтаб қолди. Маҳаллий компаниялардан бирига тегишли бўлган мазкур сув транспорти воситаси экипаж аъзоларининг барчаси қўлга олинган. Улар орасида Лотин Америкаси фуқароси ҳам бор. Ўтказилган текширувдан сўнг, кема Галисия портига келтирилди. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ушбу жиноятга алоқадор кишиларни аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Баркамол авлод — Ватан фаҳри» инновацион таълим доирасида ўтказилган

«Илмий ишларни ҳимоя қилиш» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

✓ **МИЛЛИЙ** санъат марказида жорий йилнинг 27 март куни «Bazar-Art — 2012. Баҳор» кўрғазма-ярмаркаси бошланади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати

форуми» жамғармаси, «Ижод» Ўзбекистон расомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюмаси ҳамда «Устозода» бирлашмасининг ушбу кенг қамровли лойиҳасида юртимизнинг барча худудларидан уста-хунармандлар ўз ижодий ишлари билан қатнашади.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳридаги «159-қурилиш трести» ОАЖ ташкил этилганлигига 55 йил тўлди. Ушбу санага бағишланган тадбирлар доирасида трест ишчи-ҳодимлари фарзандлари ўртасида «Мен курувчи бўлмоқчиман» мавзусидаги расмлар танлови ўтказилди.

Ўлкамизда баҳор нафаси



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳашар сўзи – асли, кўпчилиги, жамоа маъноларини англатади.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Кўхон ва Тошкент шаҳарларидаги неча-неча юз йиллардан бери қад ростилаб турган қадимий меъморий обидаларимиз жозибасига маҳлиё бўлган хорижий сайёҳлардан бири:

– Бу иморатлар қандай бунёд этилган? – деб сўрабди.

Халқимизнинг эзгу мақсадлари рўйи учун ҳашар йўли билан, албатта, – дея жавоб берибди тарихчи мутахассис.

Бу – масаланинг бир жиҳати. Халқимиз тарихининг ҳашар билан бевосита боғлиқ иккинчи бир тарафи ҳам бор.

Аср-асрлар мобайнида халқ минг-минг қақиримлар келадиган қанчадан-қанча ариқ ва анҳорларни кўли билан қазиган. Кейин ҳар йили айнан ҳашар йўли билан тозалаб, сувнинг равои оқишига тайёрлаб қўйган.

Катта Фарғона канали, Тошкент канали, Каттакўрғон сув омбори ва бошқа иншоотлар ҳам ХХ асрдаги ҳашар натижасидир.

Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг раҳнамолиги, ташаббуслари билан кенг бунёдкорлик ва эзгу ишлар амалга оширилди. Шу йиллар давомида ҳашар тамоман ўзгача мазмун ва моҳият касб этганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Биргина пойтахтдаги бевосита ҳашар қуввати ёрқин намоён бўлган ҳолатларни эсга олайлик. 2000 йили Тошкентнинг Юнусобод даҳасига қарашли Бўзсув канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида «Шахидлар хотираси» ҳибони, кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил этилди. Чунки 1938 йил кузиди ҳудди шу ерда Ватанимиз озодлиги йўлида жонфидо қилган кўплаб бегуноҳ зотлар отиб ташланган.

Маъмур мажмуани бунёд этишдаги эзгу ишларда халқимизнинг моҳир усталари, шаҳарнинг кексаю ёш фуқаролари – маҳаллаларнинг отахону онахонлари, зиёлилари, муаллимлар иштирок этди.

...Бўзсув узокдан оқиб келиб, маъмура ёнида гир айланади ва яна ўз йўлида давом этади. Бу эса кишида ҳудди сув ҳам ана шу улғу зотларга таъзим бажо айлаётгандек, уни зиёрат қилиб ўтаётгандек тасаввур уйғотади.

Ёки 2007 йили Тошкентнинг Ёски шаҳар қисмидаги Ҳазрати Имом мажмуаси ҳам айнан халқнинг уюшган ҳолда, дил амри билан умум ишга қўшган меҳнати эвазига тез фурсатларда қад ростлаганини таъкидлаш мумкин.

Бу икки макон қисқа бир даврда халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига айланган улғурди. Ҳар кун бу ерлардан меҳмонлар қадами аримади. Мустақиллигимиз, бугунги озоқ кунларимизнинг қадрига етиш учун ҳам ҳар доим ҳар биримиз бу ерларни зиёрат қилишимиз керак.

Ана шунда қўлга киритган мустақиллигимиз моҳиятини, улғуланган қадриятларимизни янада тараққий қилганимиз, эркинлик ўз-ўзидан қўлга кирмаганини яхши тушунамиз...

Ҳашар аввал замонлардан умумхалқ ҳиссини англатиб келган. Кимнингдир кўнглидан: «*Ҳосил йиғим-терими ҳам, пиллани йиғиштириб олиш ҳам ана шундай кўпчилиكنинг биргалишиб меҳнат қилиши орқали амалга оширилади-ку, улар ҳам ҳашарми?*» – деган ўринли савол ўтиши мумкин. Албатта, булар ҳам ҳашарнинг бир кўриниши. Шунинг учун йиғим-терим палласида ёрдам учун деҳқоннинг оғирини енгил қилганларни *ҳашарчилар* деймиш.

Уй-жой қурилишида қариндошлар, маҳалладошлар, дўстларнинг бир ёқадан бош чиқариб кўмак беришлари ҳам халқимизга хос бўлган азалий одатдир.

Чинакам ҳашар беминнат ёрдам, бетаъма меҳнатни билдиради.

Ҳашарнинг кўпчилиги бўлиб бирор ишга киришишдан асосий фарқи – унинг замирида чинакам мурувват ётгани.



Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин кўпдан-кўп миллий фазилатлар, жумладан, ҳашар ҳам сақлаб қолинди, қадрланди, такомиллаштирилди. Истиқлол йилларида ҳашарнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Ҳашар – мурувватнинг умумхалқ кўринишидир.

Бу хайрия тadbирларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, муҳтожларга ҳиммат кўрсатиш. Яна ўша қадимдан келаётган оқилона гап: шу ҳудудда яшайсанми, унинг ободлиги учун, ҳамма қатори, айнан сен ҳам масъулсан, муҳтарам ватандош!

Бу юксак инсоний туйғу ҳеч биримизни ҳеч қачон тарк этмаслиги керак.

Ҳашарларимиз ҳар биримизнинг кўнглимизда юртга меҳр, юртдошга мурувват туйғусини камолга етказсин.

XV аср тарихчиси Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» китобидаги Ҳирот биноларидан бирини таъмирлашга бош-қош бўлган 57 ёшли Алишер Навоий ҳақида ёзилган мана бу сатрларни бетаъсир ўқиш қийин: **«Хайру саховатли бинокор амир Али-**



шер ўша иморатни тиклаш хусусида кўп гамхўрлиги бўлганидан ҳар куну шу шарофатли манзилга ташриф буюрар, кўп кунлари этакни белга қистириб, ёлланган ишчилар каби, усталарга гишт олиб берарди ҳамда бошқа юмушларни қиларди...

Каранги, улғу мутафаккиримиз бизга, ҳашар ҳашардай бўлиши керак, деб ўқтираётгандек.

Ободлик

«*Шу азиз Ватан – барчамизники!*» – деган шпорнинг туб моҳияти, яъни таъзимини: «*Модомики, шу азиз Ватан – барчамизники бўлса, демак, у ҳар биримизники, шубҳасиз, бевосита меники ҳам*», – деган теран маъно ётади. Бу эса шу Ватан фарзанди бўлган ҳар бир инсон онг-шури, қалбида, шу юрт равнақи, ободлиги учун мен ҳам шахсан ва бевосита масъулман, деган фикр уйғотади, айнан ана шу туйғу кишини ишга, меҳнатга, яратилган, бунёдкорликка ундайди.

Ҳар биримиз кўнглимизда: «Ҳамонки, шу тулроқда тугилган, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлаётган, ҳавосидан тўйиб нафас олиб, сувидан ичаётган эканманми, мен ҳам шуни оқлашим, унинг ривожига ҳисса қўшимиз керак», – деб ўйлашимиз зарур.

лига қайтиб, ҳунармандчилик, савдо ва бошқа фаолият билан шуғулланган. У шуниси билан ҳам Шарқнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради.

Тошкент шаҳрида экилган кўплаб дарахтлар махсус суғорилмасдан ҳам кўкариб, ҳосил бераверади. Шаҳар ҳудудидида ўсиб ётган кўплаб ёнғоқ, жийда, ўрик дарахтларини ким махсус суғоради?

Амалда шаҳар ҳудудининг ўзида ҳозиргидан бир неча қарра кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-чева етиштириш мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «*Ўзик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*» 2009 йилнинг 26 январидидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «*2011 йилда мева ва сабзавот, картошка, полиз экинлари ва узум маҳсулотларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг истиқболли параметрлари тўғрисида*»ги қарорлари Тошкент шаҳрига ҳам бевосита тегишли.

Ҳудди шу мақсадда ўтган йил октябрда Тошкент шаҳри ҳокимлигининг «*Тошкент шаҳри аҳолисининг ўзик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар тўғрисида*»ги қарори чиқди.

Шаҳримиз янада гўзал ва озода бўлсин

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Шундай деймиш-у, беихтиёр яна ҳазрат Алишер Навоий даҳосининг кучи билан тамоман оҳорий бир тарзда қоғозга тушган мана бу сатрлар ёдга келиб, бизни ҳаракатга, ишга, меҳнатга ундагандай бўлади:

Тўхм ерга кириб, чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, ифак бўлди.
Лола тухмича гайратинг йўқму?
Пилла куртича ҳимматинг йўқму?!

Улғу шoir далолат қилганлиги, уруғ ерга кириб, кўкариб, чечак, яъни гулга, курт жонидан кечиб, охири пиллага айланади, пилладан эса ипак тўқилади. Ана шундан қибс олиб, лирик қаҳрамон ўзига-ўзи: «Лоланинг уруғчилик гайратинг йўқми, ипак куртичалик ҳимматинг йўқми?» – дея ишга чоғлайди.

Мантқиқийликни қаранги, уруғ ҳам баҳорда ерга қадалади, ипак курти ҳам баҳорда боқилади.

Бу даъват асрлар ўтиб, бутун халқни – ҳаммамизни ҳаракатга, меҳнатга, яратилган унда турибди.

Истиқлол йилларида икки ҳикматли сўз пайдо бўлди. Шу иккисини яна бир қарра такрорлашга эҳтиёж бордек, токи ҳар биримиз юртимиз ободлигига ҳисса қўшайлик:

**Ободлик кўнгиладан бошланади!
Ободлик маҳалладан бошланади!**

Кўчат экин, боғ яратинг

Тўқинлик бор жойда фаровонлик таъминланади. Азиз Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери risksўз яратиб учун олтиндан қиммат бойлик ҳисобланганини ҳаммамиз ҳам тўқик энтасимизми?

Тошкент – қадим-қадимлардан боғ-роғлар макони бўлиб келган. Буни исботлаш учун узокқа боришнинг кераги йўқ. Шаҳримиз жой номларидаги *Чилнозор, Олмазор, Бодомзор, Ўрикзор, Севзор* («сев» – «олма» маъносини билдиради), *Мевазор* деган сўзлар ўтган асрларда ҳозирги шаҳримиз ҳудудидида қандай боғлар бўлганини шундоққина айтиб турибди.

«Маҳалла» жамғармасининг Олмазор тумани бўлими Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давомида ҳар бир оила 4 – 5 тадан мевали дарахт кўчати экиш ташаббуси билан чиқди ва буни амалга оширишга киришилганини маълум қилди. Қандай эзгу ташаббус!

Шаҳримизда мева-чева етиштириш учун ҳали кўпдан-кўп имкониятимиз бўла туриб, нима учун шундай қулайликдан эл-юрт манфаати йўлида фойдаланмаслигимиз керак? Ахир, келажак авлод фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқин-сочинлиги айнан мева-чевага ҳам бевосита боғлиқ-ку.

Шаҳар ичкарисидаги ҳовлилар, уйлар атрофидаги томорқачалар ва иссиқхоналарда йил бўйи қанча деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилётганини ҳеч ким ҳисоблаб чиқмаган бўлса керак. Шаҳар шароитида бу қадар катта микдорда деҳқончилик маҳсулотлари етиштирадиган макон ҳам кам топилади. Тошкент азалдан деҳқон шаҳар бўлган. Ўтган асрларда аксарият оилалар ёзда шаҳар атрофидаги дала боғларида яшаб, деҳқончилик қилган, қишда ҳов-

ради, ўпка найини юмшатади. Овқатланишдан олдин кўпроқ истеъмол қилинса, ҳазми яхшилайди.

Олма юракка қувват беради, меъдани ҳам кучайтиради. Иштаҳаси пастлар олмани ҳамир ичида пишириб, истеъмол қилиши керак. Олма талқони юракни қувватлантиради.

Ўзумнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги, ширин ёки нордонлиги бир хил бўлса, оқи қорасидан яхшироқ.

Хурмо деганда бир пайлар фақат иссиқ мамлакатлардан келадиган ўрикка ўхшаш жигарранг кичик мевани тушунар эдик. Катта-катта бўлиб пишидиган хурмо Тошкентга ёлпасига кириб келганига ҳали 30 йилдан ошгани йўқ. Аммо у бу ерни жуда хоҳлади.

Олимларнинг ҳулосасига кўра, хурмо мия томирларининг ишлашини яхшилайди. Чунки таркибида шунга керак бўладиган фосфор, кобальт, мис ва бошқа шу каби моддалар бор-да. Энг муҳими, бу мева ўзида кўп микроэлементлар, жумладан, организм учун энг керакли йод йиғади. Табиий равишда қабул қилинадиган бу йод бўқоқ касаллигининг олдини олади.

Бу неъмат парҳез таом сифатида қон айланиши тизимини яхшилайди. Жигар, ўт йўллари шамоллағанда, дармонсизликда жуда асқотади. Бу жуда тўйимли мева. Унда 70 фоиз қанд, 1 фоиз ёғ, 3 фоизгача оксил ва кўп микдорда С витамини бор.

Ёнғоқни айтмайсиими? Бу дарахт учун Тошкентдан зўр жой бўлмаса керак ҳам деб ўйлайсан киши. Шаҳримизнинг суғорилмайдиган ерларида ҳам шундай кўкаради, шу қадар яхши ҳосил берадики, асти қўяверасиз.

Ёнғоқ – ўта тўйимли, мия фаолиятини яхшилашга катта ҳисса қўшадиган мева. Таркибида инсон саломатлиги учун ўта фойдали бўлган 45 – 72 фоиз ёғ, 8 – 21 фоиз оксил, 20 фоиз углеводлар, В ва С витаминлари, А провитамини ва бошқа моддалар мавжуд. У асалли ўсимликлардан ҳисобланади. 200 йилгача ҳосил беради.

Ўтган йили кузда шаҳримизда кўпдан-кўп қўчатлар экилди. Аммо бизда қўчат, асосан, кўкламда экилади. Ҳозир қўчат эксақ, 3-4 йилда ширин ҳосил беради. Ҳовлиларда, таълим муассасалари, айрим қорхона ва ташкилотлар ҳудудларида, кўпқаватли уйлар атрофларида, қўчалардаги бўш ерларда қанча имконият бор. **Ахир: «Ўмрингда, лоақал, битта қўчат экканмисан?» – деган сўроқ бўлади деган қараш бизда миллий қадриятга айлиб кетган-ку. Муқаддас динимизда дарахт экканлар савоби жорияга, яъни вафотидан кейин ҳам номайи аъмолига ёзилиб турадиган савоблар сирасига киритилади. Бу бежиз эмас.**

Тўқинликка ҳеч қачон ўз-ўзидан эришилмаган.

Айрим мактабларимизда экилган ҳар бир дарахтга бир нафардан ўкувчи масъул қилиб белгиланганлиги олийжанон ибрат. Биринчидан, ўша ўкувчи «ўз» кўчатини суғоради, атрофини юмшатиб туради, уни асраб-авайлайди. Иккинчидан, ёш қалбада экологик кўникмалар пайдо бўлади. Учинчидан, бола тушунадики, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун ҳар бир киши масъул.

Ўтган йили шаҳримизда элликка яқин намунали маҳалла ташкил этилди. Ободонлаштириш ва тозалик ойлигининг кўнгиладидек ўтиши ҳам, биринчи галда, маҳаллаларимизга боғлиқ. Ойлик мобайнида қилинадиган эзгу ишлар сирасига қаттиқ келган қиш таъсирида ишдан чиққан йўлларида асфальт ётқизиш, қабристонларимизни обод қилиш, кўча ва гузарларимизнинг, ҳовли-жой, маҳалла-қўйимизнинг тоза-озодлигини таъминлаш, ариқ-зовурларни тозалаш қабиладар ҳам кирди.

Бу хайри ишлардан четда томошабин бўлиб турганлар ҳам йўқ эмас. Айрим кўпқаватли уйлар кираверишидаги тартибсизликларни қўриб қўнғил ранжийди. Наҳотки одамлар шу уйда яшаб, ўз хонадонини вақтида тозалаб турмайди. Шифтларни ўргимчак ини ўраб ташлаган. Очиғини айтганда, шундай уйда яшаётган қизларни сўраб келган совчилар шу уйга кираверишнинг ўзиданоқ ҳулоса чиқариб, қайтиб кетгани ҳоллари ҳам кўп бўлган. Келинг, ҳозирча уларни номма-ном айтиб, уялтирмайлик. Зора, инсоф бериб, ҳаракатга тушиб қолсала.

Биз газетамиз саҳифаларида ободонлаштириш ва тозалик ишларида намуна бўлаётган энг яхши маҳаллалар, қорхона ва ташкилотлар ҳамда лоқайдликка берилганлар ҳақида ҳам мақолалар бериб борамиш.

Ободлик ва озодалик – ўзимизга боғлиқ масала. Шундай экан, ободлик ҳар биримизнинг кўнглимизда бўлсин, ҳаммаша эзгу ишларга чорласин!

Олим МАҲМУДОВ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

ҲАМЖИХАТЛИК БИЛАН БАРЧАМИЗ БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ПОЙТАХТИМИЗДА НАВРЎЗИ ОЛАМИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН ОЙЛИК ДАВОМИДА 3-4 МАРТ ШАНБА, ЯҚШАНБА КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИغان ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ҲАШАРЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, БАҲОРИЙ ХУШ КАЙФИЯТ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ ЯНАДА ОБОД ВА КўРКАМ БўЛИШИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚўШАЙЛИК.



ХУШ КЕЛИБсан, ЎЛКАМГА БАХОР!

Салом гуллар элчиси гулрўй баҳорим. Чаманлар жарчиси хушрўй баҳорим, бағрига сажоват уруғин эккан, кўкламнинг кўк ойи оташ баҳорим.

Салом бобоён қар, кенг адирларим, музлари эриган оқар сойларим, лолазор, чаманзор, боғлар ичинда, сайрашга шай турган шўх булбулларим.

Салом, бобоён қар, кенг адирларим, музлари эриган оқар сойларим, лолазор, чаманзор, боғлар ичинда, сайрашга шай турган шўх булбулларим.

Кўклам, кўкларингни кўзга сураини, минг куллук қилайин қадамларинга, табиат оройиш бериб турибди, жаннатмонанд замин саҳий еринга.

Баҳор, борингни бер олам яшнасин, она ер уйғонсин тароватиндан, бир майин, бир мўъжаз саболар эссин, кўм-кўк дарахларинг япроқларидан.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Назм ЧУЧМОМАЛАР БЎЙИ ТАРАЛСИН

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Келганингни сезмай қолибман. Сен оламга сонганда ифгор, Хазон бўйин ёдга олибман.

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Пайқамабман насмларингни. Юрагимга осганман қатор — Аёз бобо расмларини.

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Қалдирғочлар гина қилмасин. Чучмомалар чекмасин биз — Менинг лоқайдлигим билмасин.

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Қийин бўлди, қийин англадим. Мен қутула олмайман қуздан, Ташлаб кетган мени рағларим.

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Ҳижронингда карахт, кўр эдим. Новадаги гулмиди ё қор, Англамадим, дардим зўр эди.

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Бездим, бездим кўнгли музлардан

Баҳор, менадан ранжима, баҳор, Баҳор, мени асра қулардан.

Воҳид ЛУҚМОН

ҲАТАЛҚ ГЕДЕТУРА

(Давоми. Боши 3-бетда).

Ўзбекистон

- 5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари».

Ёшлар

- 6.00 «Ватан меҳри». 6.10 «Тараннум». 7.00 «Мультижанрорама».

Анонс

- 11.15 «30 йилда — 30 воқеа «Байрасиз» 12.10 АНОНС.

11.15 «30 йилда — 30 воқеа «Байрасиз»

- 12.10 АНОНС. 12.15 «30 йилда — 30 воқеа «Байрасиз».

10.00 «Спорт хабарлари»

- информацион блок 10.00 «Динозавр қолдирган из» б/ф

06:25 Александр Михайлов

- Людиля Туренко, Николай Дороскин, Сергей Юрский и Наталья Тенюкова в комедии Владимира Меньшова «Любовь и соблазн» 1984г.

Ўзбекистон

- 5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

Тошкент

- 06.00 Курсатувлар тартиби. 06.05 «Дилдаги гаплар».

15.35 Анонс

- 15.40 «Миттвилорги оиласи». 15.45 «Ташкент тароналари».

7.55 АНОНС

- 8.00 ХАБАРЛАР. 8.20 «Саломат бўлинг!».

06:00 «24. Ўзбекистон»

- ахборот блоки 06:15 «Ахборот сандиси» дастури

07:00 Савелий Крамаров

- Михаил Пуговкин, Анатолий Папанов и Татьяна Лещер в фильме «Ход кончи» 1962г.

Ўзбекистон

- 5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

Тошкент

- 06.00 Курсатувлар тартиби. 06.05 «Дилдаги гаплар».

21.25 «Ҳайрият тонги»

- 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!».

08:30 «Асрлар сандиси»

- дастури 08:30 «Ахборот сандиси» дастури

04:15 Игорь Скляр

- Андрей Градов, Марина Шиманская и Юрий Медведев в комедии «Берегите женщин» 1981г.

00:40 Серваллар

- полночьков. Теле serial «Девушка-сплетница-3» (США), 2009г.

Ўзбекистон

- 5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

Тошкент

- 06.00 Курсатувлар тартиби. 06.05 «Ҳушнинг гарозини» Б/ф.

9.30 АНОНС

- 9.35 Енгил атлетика. Жаҳон чемпиони нати.

20:20 «Супер қалбча»

- теле-шоу 20:20 «Супер қалбча» мусиқий-дам олиш дастури.

04:15 Игорь Скляр

- Андрей Градов, Марина Шиманская и Юрий Медведев в комедии «Берегите женщин» 1981г.

00:40 Серваллар

- полночьков. Теле serial «Девушка-сплетница-3» (США), 2009г.

Тошкент Оқшоми Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ Тошкент шаҳрида 2 март куни ҳаво ўзгариш туриди, кечқурун ёмғир ёғиши мумкин.